УзССР Давлат кутуб палатаси
Бухо
11 ИЮН 1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Нашрга 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 133 (6. 832) 1989 йил 10 июнь, шанба Баҳоси 3 тийин

СССР халқ депутатлари съезднинг иши тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ



1989 йил 9 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида СССР халқ депутатларининг съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда депутатлар «СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» ва «СССР ҳукумати келгуси фаолиятининг программаси тўғрисида»ги докладларни муҳокама қилишни ниҳоясига етказдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Съездда СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Кечки мажлисда депутатлар «СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» съезд қарори лойиҳасини кўриб чиқдилар. Редакцион комиссияга съезд Президиуми билан биргаликда қарор лойиҳасини депутатлар киритган тузатишлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб тўлдириш топширилди.

Съезд СССР Олий Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги Конституцион комиссияни ташкил этди.

Сўнгра съезд СССР Конституцион назорат комитети тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича Комиссияни ташкил этди.

Мажлис ниҳоясида съезд кун тартибида кўзда тутилганидек депутатлар кўйган турли масалалар бўйича фикр алмашув бўлди.

СССР халқ депутатлари съезди тегишли қарорларни ва Жаҳон халқларига мактубни қабул қилди.

Съезднинг ёпилиш чоғида М. С. Горбачев сўзга чиқди.

Шу билан СССР халқ депутатларининг биринчи съезди ўз ишини тугаллади.



Николай Иванович РИЖКОВ

Николай Иванович Рижков 1929 йилнинг 28 сентябрида Донецк область, Дзержинск районидаги Дилеевка қишлоғида ишчи оиласида туғилди. 1950 йилда Краматорск машинасозлик техникумини, 1959 йилда эса С. М. Киров номли Урал политехника институтини тамомлади. 1956 йилдан КПСС аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1950 йилда «Уралмаш» заводида смена мастерлигидан бошлади. Кейинги йилларда шу заводда пролет бошлиғи, цех бошлиғи, бош пайвандчи, директор ўринбосари, 1965 йилдан эса бош инженер, 1970 йилдан С. Оржоникидзе номли Урал оғир машинасозлик заводининг директори бўлиб ишлади. 1971—1975 йилларда «Уралмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори бўлди. 1975 йилдан СССР оғир ва транспорт машинасозлиги министрининг биринчи ўринбосари, 1979 йилдан эса СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлади. 1982 йилнинг ноябридан КПСС Марказий Комитетининг секретари, айни вақтда 1982—1985 йилларда КПСС Марказий Комитети Экономика бўлимининг мудири бўлди.

1985 йилнинг сентябрида СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинланди. У тўққизинчи—ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг депутати бўлди. Ҳозир СССР халқ депутати, РСФСР Олий Советининг депутатидир.

1981 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. КПСС XXIV, XXVI, XXVII съездлари ва XIX Бутуниттифоқ конференциясининг делегати. 1985 йилнинг апрелида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси қилиб сайланган.

СССР Олий Совети 1989 йил 7 июнда уни СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлади ва 8 июнь куни СССР халқ депутатлари съезди унинг ана шу лавозимига тайинланганини тасдиқлади.

Иккита Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотланган. СССР Давлат мукофотига икки марта сазовор бўлган.

Н. И. Рижков қайта қуриш ва совет жамиятини янгилаш сиёсатининг этиқодли тарафдори, мамлакатда демократия, ошкоралик, иқтисодий ислоҳот ва сиёсий жараённи авж олдиришмасалаларида принципиал позицияни эгаллаб турибди.

Эртага—Енгил саноат ходимлари куни

Газламалар жаҳон кезади



Тошкент тўқимачилик комбинати меҳнаткашлари учун Енгил саноат ходимлари куни алоҳида байрам ҳисобланади. Кўпминг кишилик корхонамиз тўқимачилари ўз байрамларини муносиб меҳнат совғалари билан қаршиламоқдалар.

Коллективимиз республикамиздаги саноат корхоналарининг тўнғичи. Ҳозирги кунда комбинатда 57 миллат вакили бир оила фарзандларидек, аҳиллик билан меҳнат қилмоқда. Мамлакатга номлари маълум бўлган Буолма Жўраева, Садди Пўлатова, Каромат Еқуббоевалар-нинг муносиб шогирдлари етишиб чиқмоқда. Дилбар Қосимова, Маъмура Абдуллаева, Равиля Аҳмедова, Сайёра Алихўжаевалар шулар жумласидандир.

Корхона ўзининг ярим асрлик юбилейидан сўнг иккинчи умрини яшай бошлади. Катта-катта реконструкция ишлари ўтказилмоқда. Эски ишлаб чиқариш бинолари янги кўриниш олмоқда. Замонавий техника, асбоб-ускуналари билан жиҳозлантирилмоқда. Ишчиларнинг социал ва маиший шароитини яхшилаш учун оғир молиявий шароитда бўлишимизга қарамай, кераклигича маблағ ажратмоқдамиз. Барча фабрикаларда дам олиш хоналари ишчилар хизматида. Бу эса қайта қуриш даврида инсон омилини яхшилаш, оддий ишчиларнинг талаб ва ҳоҳишини тўла қондириш учун қилаётган ҳаракатларимиздан ҳисобланади. Характерлиси шундаки, бу ўз навбатида тўқимачиларнинг ташаббускорлигини оширмоқда. Кейинги йиллар давомида биринчи марта пардозлаш фабрикаси меҳнаткашлари катта реконструкция ишлари олиб борилаётганига қарамай, план ва топшириқларини ортиғи билан бажардилар.

Бу йил комбинат халқимиз учун 220 миллион метр тайёр газлама ишлаб чиқаради. Унинг ярмидан кўпи эса янги ассортиментдаги газламаларни ташкил этади. Тўқимачилар қайта қуришнинг ҳал қилувчи паллосида ана шундай реал планлари билан меҳнат қилмоқдалар.

Аммо ҳал қилиниши зарур ва шарт бўлиб турган муаммоларимиз ҳали ҳам кўп. Жумладан, совутиш станциясининг ишини охирига етказишимиз керак. Пардозлаш фабрикасида реконструкция ишлари давом этмоқда, яна мавжуд фабрикаларимизнинг ҳамма цехларида дастгоҳларни алмаштириш иши ниҳоясига етказилиши лозим.

Корхонамиз коллективи томонидан сайланган СССР халқ депутати Дилбар Қосимова комбинатда мавжуд бўлган камчиликларни ҳал этиш учун министрликлар билан учрашиб, ижобий натижага эришмоқда.

Ишонамизки, тошкентлик тўқимачилар жаҳон миқёсига танилаётган аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга вазифасини яқин вақтлар ичида албатта ҳал қиладилар.

У. СУЛТОНОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқув цехининг ёшларни ўзаро мусобақани тобора кучайтирмоқдалар. Комсомол-ёшлар бригадалари ҳақида гап борганда Холида Тожиева, Нормат Тошўжаев, Назира Тожиевалар меҳнат қилаётган бригаданн ҳурмат билан тилга олишади. Улар топшириқларини ҳамиша 110 процентдан ошириб адо этмоқдалар.

Буюртма бажарилди

Экскаватор заводи коллективи Венгрияга экскаватор ва эҳтиёт қисмларнинг навбатдаги туркумини тайёрлаб жўнатди. «ЭО-22-21» маркали маҳсулотларнинг бундай намунаси Монголия Халқ Республикасига ҳам юборилди. «1989» тамғаси босилган дастлабки экскаваторлар эса Озодлик ороли — Кубага ҳам етиб борди.

Б. АСҚАРОВ.

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўнинчи сессияси 1989 йил 14 июль соат 11.00 да Тошкент область партия комитетининг катта мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) чақирилишини маълум қилади.

Сессия кўриб чиқиши учун қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитариянинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида.

— Тошкент шаҳар Совети IV сессиясининг «Тошкент шаҳрининг 2000-йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программасини амалга ошириш бўйича шаҳар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари ҳақида»ги 1989 йил 26 февраль қарори қандай бажарилаётгани тўғрисида.

— Депутат С. З. Ғуломиддиновнинг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига сўрови тўғрисида.

— Чилонзор район халқ суди составини қисман ўзгартириш тўғрисида.

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузуридаги кузатув комиссияси составига ўзгариш киритиш тўғрисида.

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузуридаги ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш комиссияси составига ўзгариш киритиш тўғрисида.

Амалдаги интернационализм

Раҳм-шафқат фондига

Челябинск—Уфа темир йўлининг участкасида рўй берган фалокатдан, юзлаб одамларнинг ҳаёти Ўзбекистон аҳолисининг оғир ларзага солдаги кунлардаёқ 22 счётига ташкилотлар, корхоналар ва гражданлар кўнгилли равишда йиғилган пул ҳайр-эҳсонлар туша бошлади. Кўп кишилар қон беришни таклиф этмоқда. Тирик қолган одамларга ёрдам беришни ҳоҳлаган, ҳалок бўлганларнинг оилаларига чуқур таъзиясини илтимос қилмоқдалар.

Ўзбекистон касаба союзлари республика совети Бошқармасида рўй берган темир йўл ҳалокатидан жабрланганларга ёрдам фондига пул ўтказди. Медицина ходимлари тармоқ касаба союзи кўмитасининг кўйган кишиларни даволаш марказларида ишлаш учун малакали мутахассислар группаларини ва дори-дармонлар жўнатди. Ўзбекистон шифохоналари жабрдийдаларни даволаш ҳамда уларнинг дам олишини уюштиришга тайёр турибди.

* * *

Ўзбекистон комсомоллари темир йўл ҳалокатида жабрланганларга ёрдам бермоқдалар. Ҳамма ерда район комсомол комитетлари ҳузурида ёрдам кўрсатиш штаблари тузилди. 704902 счётига дастлабки бадаллар туша бошлади.

* * *

Республика ижодий союзлари ҳам рўй берган фалокатдан жабрланганларга ёрдам беришдан четда қолишмади. Ўзбекистон Ёзувчилар, Композиторлар, Театр арбоблари, Рассомлар, Журналистлар союзларининг аъзолари жабрланганларга ёрдам фондига ўзларининг бир кунлик маошларини ўтказишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Ишчилар мадади

Тошқирдистонда темир йўл поезди ҳалокати «Средэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиларини дарҳол маълум қилишга ундади. Фалокатга рўй берган куннинг эртаси ишчилар ёрдам пулини чўзишди. 704902-счётга 10 минг сўм ўтказишди.

Ишчи-хизматчиларнинг фақат бир кунлик маошларини ажратиб бериш билан кифояланиб қолганлари йўқ. Кўплаб ишчи-хизматчилар ўз қонларини беришга ундади. Челябинск—Уфа темир йўли фалокатидан омон қолган кишилар учун топшириш истагини билдиришмоқдалар. Фалокат рўй берган кундан то ҳозиргача улар навбатманавбат қон топширишмоқдалар. Ишчи-хизматчиларнинг бу инсонпарварликлари ҳар қанча илиқ сўзларга муносибдир!

Тошкентликлар диққатига

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармаси корхоналар, муассасалар, ўқув юртларидан, гражданлардан 1989 йил 3 июнь соат 211 ва 212-Новосибирск—Адлер ва Адлер—Новосибирск поездларида йўлда бўлган хизматчилар, қарindoш-уруғлар, таниш-билишлар ҳақидаги маълумотларни тезлик билан суриштириб олиш учун уларнинг турар жойлари бўйича паспорт бўлимларига хабар қилишларини сўрайди.

Маълумотлар шу йил 3 июнда Бошқирдистон АССРда рўй берган фожиада жабрланган пассажирларни аниқлаш учун зарур.

Янгилик самараси

Фан—ишлаб чиқаришга

Янгилик самараси

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти олимлари тепловоз ремонти заводи ҳамда локомотив хўжалиги бош бошқармаси билан ҳамкорликда капитал ремонтдан кейин 10 та 100 дизель генераторларини қисқартирилган программа асосида синовдан ўтказдилар.

Дизеллар синови эски технология бўйича 15 соат бўлса, янгича шароитда 8 соатгача қисқарди. Янги методда мотор ёғида қолдиқларнинг тўпланиши қисқарганлиги ҳам кузатилмоқда.

Янги усулни ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадида 50 та дизель иттифоқ локомотив деполарига жўнатилди. Турли табиий шароитларда синовдан ўтган дизеллар қисқартирилган технологиянинг бугунги кун талабига жавоб беришини яна бир карра тасдиқлади.

Янги режим туфайли тепловоз ремонти заводида ёнилғи икки баробар тежалди, дизелларнинг ремонт муддати қисқариб, тажриба станциясида меҳнат унумдорлиги ортди.

Қисқа муддатли синов ишлари «локомотивлар эксплуатацияси ва ремонти» кафедрасининг доценти Х. И. Нурхўжаев раҳбарлигида Тошкент тепловоз ремонти заводида ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бугунги кунда барча дизель генераторлари саккиз соатлик синовдан ўтказилмоқда. Қисқа масофали текширувнинг жорий қилиниши йилига 60548 сўмни тежаш имконини беради.

Дизеллар синовининг кам масофали янги технологияси Тошкент тепловоз ремонти заводида Х. И. Нурхўжаев, Б. Н. Соколов (локомотив хўжалигининг бош мутахассиси), А. С. Сарвировлар (завод бош технологининг ўринбосари) мазкур янгиликнинг рационализаторлари деб тан олинди.

Дизеллар синовининг қисқартирилган муддати иттифоқ темир йўлининг бошқа заводларида ҳам ишлаб чиқаришга жорий қилиниши мумкин.

Н. КРАСИН,
Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг катта ўқитувчиси.

Фарғона областидаги воқеаларга доир

Газандалар бебошлиги

8 июнь куни ЎзТАГ махсус мухбири хабар қилди:

Кеча Фарғона областида тартиб ўрнатиш штабига шошилинч хабарлар келди: экстремистлар тўдаси Қўқон районига бостириб кириб, уйларни ёқиб юбормоқдалар, хонадонларни таламоқдалар. Бир кун илгари шаҳар область территориясида энг тинч нуқта бўлиб қолган эди.

...Биз у ерга кечга томон вертолётда етиб бордик. вертолётимиз пастлаб учар, биз даҳшатли манзараларни кўрдик. Уйлар машъала сингари ёнарди. Фарғона, Марғилон, Тошлоқда газандалар месхети туркларининг бир қаватли уйларини ёқиб юборишар ва таларди. Бу ерда эса икки қаватли ғишт уйларнинг ҳам кули кўкка соврилмоқда эди. Дарахтларнинг учлари аланга остида қолган. Шаҳарнинг марказий қисми экстремист тўдалари билан тўлиб-тошган. В. И. Ленин ҳайкали атрофида бўш юк машинаси, ундан нарироқда эса енгил автомобиллар ёнарди. Яна одамларнинг қони тўкилмоқда.

Болалар боғининг ўйин майдончаси узра жарроҳ шифокорлар тушган вертолёт парракларини ишлатганича қимирламай турарди. Экстремистлар унинг кўнишига йўл беришмасди — машинани тошбўрон қилишар, қўлларида ёнувчи аралашма солинган шишалар бор эди. Бу ерга бостириб кирган ички қўшинлар взводи тўдани тарқатиб юборди, шифокорларга имконият яратди.

— Ҳозир Қўқон шаҳри ва Ўзбекистон районининг маркази областнинг «оловли нуқтаси» бўлиб қолди, — дейди СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлар бошлиғи генерал-полковник Ю. Шаталин. — Соат 15 да экстремистлар тўдаси шаҳарга бостириб кирди. Улар беш минг кишидан кўпроқ эди. Уларнинг ихтиёрида, автотранспорт бор. Қўқондаги аҳволни издан чиқариш, уларни қўллаб-қувватламаганлиги учун шаҳар аҳолисидан ўч олиш газандаларнинг мақсади бўлиб қолди.

Қўқонда бир ярим мингга яқин месхети туркларининг яшайди.

Кимлардир аввалдан гижгижлатган ана шу безори ёшлар турклар кўпроқ яшайдиган районларга бостириб киришди. Экстремистлар милиция ҳаракатларини тўхтатиб қўйишни хоҳлашарди. Ҳужум қилаётганлар шаҳар милиция бўлимига бостириб киришга, ур-йиқит қилганларини ва уй-жойларни ёқиб юборганлиги учун қамалган 68 нафар газандани озод қилишга муваффақ бўлдилар.

Газандалар кўзига қон тўлган, месхети туркларини жазолаш ниятида эдилар. Ана шундай шароитда Ички ишлар министрлиги қўшинларининг шахсий состави ўзининг асосий эътиборини одамларни қўриқлашга қаратди: солдатлар болалар санаторийсида 100 нафар болани ўз ҳимоясига олишди, яна шунча бола мактабда турарди, месхетилик турклардан 900 га яқин киши автопаркда жонларини сақлашди. Жангчилар гуноҳсиз одамлар жазоланишининг олдини олдилар. Уларга шаҳар саноат корхоналарида тузилган кўнгилли дружиначилар фаол ёрдам беришди. Кўнгилларнинг кўпчилиги шикастланди.

Ҳужум қилаётган кишилар Калашников системасидаги автоматлар, пистолетлар ва милтиқлардан фойдаланганликларини биринчи марта кўрдик, — деб сўзини давом эттирди Ю. Шаталин. — Газандалар 80 та уйни яксон қилишди, кўплаб автомобилларни ёқиб юборишди, давлат корхоналарига ҳужум қилишди, иккита магазинни талаб кетишди.

Бугун эрталабданоқ Қўқон шаҳрига яна беш мингга яқин экстремистик кайфиятдаги ёш газандалар тўпланди. Улар шаҳар милиция бўлими биносини қўлга олишга яна уриниб кўришди. Ўзбекистон районидаги марказида ҳам шундай вазият вужудга келди. Ҳозир экстремистларнинг вахшийлиги ва бебошлиги милиций негизга асосланмаганлигини очиқ-ойдин айтиш мумкин. Бу — олдиндан режалаштирилган ва яхши тайёрланган террористик ҳаракатдир. Газандалар орқасида жуда хавфли вазиятни пасайтирмаслик учун ҳар қандай йўллар билан ҳаракат қилаётган катта кучлар турибди. Қўқонга ҳужум қилишда Риштон, Бағдод ва Фарғона областидаги бошқа районлар, шунингдек, Наманган областининг Поп районидаги аҳолиси қатнашганлигини таъкидлаш муҳимдир. Қўқон шаҳрининг бир ярим мингга яқин аҳолиси экстремистларга зарба бериш учун қурол сўраб, мурожаат қилди. Бу масала ҳозир кўриб чиқилмоқда. Биз газандалар тактикасини синчиклаб ўрганиб чиқдик. Улар Фарғона районида икки кун жадал ҳаракат қилганларидан сўнг, бир кун танаффусга чиқишади. Сўнг бундай манзара Марғилонда қайтарилади, энди эса навбат Қўқонга келди. Бу ерда тартибсизликлар ўз-ўзидан келиб чиққанлиги ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Бу олдиндан аниқ-равшан режалаштирилган операциядир. Унинг пайини қирқиш учун Ички ишлар министрлиги қўшинлари тарихида илк бор ҳаво десантидан фойдаланишимизга тўғри келди.

...Мана, яна Қўқонга жўнаб кетяпмиз. КаМАЗлар, прицепли тракторлар шаҳарга қараб йўл олган, улар экстремистлар билан лиқ тўла. Пастлаб учаётган вертолётимиз ойналаридан уларнинг заҳархандали юзларини кўрамиз. Улар қўлларини мушт қилиб, таёқлар, занжирлар, пичоқлар, қўлбола ойболталарни кўтариб бизга дўқ-пўписа қилишади. Шаҳар устида яна қуюқ тутун сузиб юрибди, уйлар ёнмоқда. Шовқин кўтарган оломон қўшинлар қамал қилиб олган марказий кўчадан ёриб ўтишга ҳаракат қилади. Улар В. И. Ленин портретларини ва ...кўк байроқларни кўтариб олишган. Ҳали ҳеч ким бундай пасткашлик, бадбинлик қилмаган эди. Аэропортдан марказга ёриб ўтишга муваффақ бўлдик. Не-не қийинчиликлар билан шаҳар партия комитетига сим қоқдик. Унинг иккинчи секретари Ю. Гончаров телефон орқали шундай деди:


— Газандалар шаҳар милиция бўлимига ёриб кириш учун бутун кучлари билан интилмоқдалар. Ҳужум қилиш учун отиш қуроллари, ёнувчи аралашма солинган шишалар, пичоқлардан фойдаланишмоқда. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳаким Неъматович Мусабеков бебош оломон билан гаплашишга уринib кўрди. Бунга жавобан тошбўрон бўлди. Аҳвол жуда оғир.

Ярадорларни Фарғонага жўнатишга тайёргарлик кўриладиган санитар вертолёти ёнида майор В. Чичер билан гаплашишга муваффақ бўлдим. Виктор Дмитриевичнинг боши бинт билан боғланган, бинт орасидан қон сизиб чиқмоқда. У Қўқондаги бугунги воқеалар ҳақида қисқагина қилиб шундай деди:

— Ўлгудек қора дори еган ва ичиб олган оломон кўзларини олайтириб қуролга ёпишади. Уларнинг кўпчилиги 20-25 ёшли йигитлар. Ёнувчи аралашма солинган шишаларни орқа-ўнгиларига қарамай отаверишади. Ана шу шишаларнинг бири менинг ёнимда портлади, юзим куйди.

Бугун «Ферганская правда» ва «Коммуна» газеталари саҳифаларида область коменданти, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри У. Раҳимовнинг аҳолига мурожаатномаси эълон қилинди. Унда шундай сўзлар бор: «Мен жирканч ирғоварликка учган, жамоаларараро ихтилофларга аралашган ёшларнинг оталари ва оналарига мурожаат қилаяпман. Ўз фарзандларингизни ана шу урушжанжаллардан тўхтатиб қолинг, сиз уларни ур-йиқитларда, қотилликларда ва оммавий тартибсизликларда қатнашиш учун тарбияламагансиз, шу мақсадда тунларни бедор ўтказмагансиз, соғлиғидан хавотирга тушмагансиз. Уларнинг алданган қалблари умрбод мажруҳ бўлиб қолишига йўл қўйманг. Агар ҳар бир она ўз фарзандини, ҳар бир ақл ўз эрини, ҳар бир сингил ўз акасини тўхтатиб қолса, ўзлари учун ва жамиятимиз учун уларни сақлаб қоладилар. Буни ёдда тутинг».

Хабаримизнинг охирида шуни айтиш керакки, экстремистларнинг босқинчилик хуружлари миллий негизга асосланмаганлигини Қўқон шаҳрида ўзбекларнинг ҳам уйлари ёнаётганлигидан билиб олиш мумкин.



Ўзаро социалистик мусобақа асосида иш юритаётган Тошкент «Промсвязь» тажриба заводининг кўпгина ишчилари яхши натижаларни қўлга киритишяпти. Сиз суратда кўриб турган Надежда Белецкая (чапда), бригадир Эмилья Садовникова ва мусобақа ташкилотчиси Абдулла Амиловлар иш унуми ва сифатини янада ошириш учун мусобақанинг кучайтиришнинг янги имкониятлари ҳақида фикрлашмоқдалар.

Т. Каримов фотоси.

Меҳнатдан обрў топганлар

ДУРАДГОРЛАР ЕТАКЧИСИ

Ҳабибулла Нурматов темир йўлга ишга келганидан кейин қўнғлидаги ҳунарини топгандек бўлди. Бир неча йил темир изларни назоратдан ўтказиб, хавф-хатарга ўрин қолдирмасликка, машинистлар учун «яшил йўл» очиб беришга хизмат қилди. 1981 йилда эса вагонларни комплекс жиҳозлаш цехига мастер қилиб тайинланди. Мазкур цех турли бўлинма ва соҳаларга хизмат қиларди. Бу жойда меҳнат қиладиган ишчилар ҳамма соҳани уддалашлари лозим. 300 дан зиёд ишчининг касби, бажарадиган иши турлича. Шундай бўлганидан кейин цех бошлиқларию, мастерларга осон тутиб бўлармиди. Катта мастер бу цех кўрсаткичларини кўтаришга муносиб ҳисса қўшди.

Лекин комплекс цех ишини бошқариш ва ташкил қилиш депо учун бир қатор мураккабликларни юзага келтирди. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, биргина цехнинг зимласига вагонларнинг техник ҳолатини кўздан кечириш, уларни йўлга ҳозирлаб, зарур анжомлар билан таъминлашу, комплекс жиҳозлаш, қолаверса ремонталаб бўлиб қолганларини қўлдан келганча яхшилаш, ишдан чиққан титанларни тузатиш, ойнаси синган ромларни тўғрилаш, мустаҳкамловчи штабиклар ясашни фақат цех бошлиғидан сўраш, қолаверса барча операцияларни назорат қилиб бориш ҳеч ким учун осон бўлмаса керак. Бу соҳаларни турли цех ва бўлимларга ажратиш корхонада бирмунча енгиллик яратиши мумкин эди. Ёғочга ишлов бериш бўлимини алоҳида ажратиш ташаббуси шу йўсинда амалга оширилди. Ҳабибулла Нурматов цехни ташкил қилишда актив қатнашди. Цех дастлаб иккита кичкина хонадан иборат бўлиб, унда зарур операцияларни кўнгилдагидек қилиб бажариш осон бўлмасди. Депода ўнлаб қўли гул дурадгорлар меҳнат қилишардию, лекин уларнинг меҳнати самарасидан етарли бахраманд бўлинмасди.

Ҳабибулла ака мана шу ишчилар билан ҳамкорликда цех учун янги бино барпо қилишга киришди. Дурадгорлар ва станоксозлар қурувчилар билан теппа-тенг меҳнат қилишиб, бинонинг деворини кўтаришди. Асосий меҳнат операцияларини шу ерда бажаришга мослаштирилди.

Бир томони тўла ойна билан қопланган цехда, табиий ёруғликда ишлаш эндиликда коллектив учун анчагина қулайлик туғдирди. Цех биноси тўла тугатилиб, унда эшик ва ромлар ясашга киришилди. Депо раҳбарлари қурилишда жонкуярлик кўрсатган Ҳабибулла Нурматовни мазкур цехга бошлиқ қилиб тайинлади.

Янги жойда иш бошлаш осон бўлмади. Чунки ёғочга ишлов бериш цехи ром, эшиклар тайёрлашдан ташқари темир титаналр ремонтини ҳам амалга оширади. Лекин бугунги мавжуд техника коллективдагиларни қониқтирмаяпти. Ҳозирча асосий ишлар қўл меҳнати эвазига бажарияпти. Бугун дурадгорлар янги техникага бўюртма берган. Мавжуд қатор проблемаларга қарамай, цехнинг ташкил этилиши 2-пассажир вагонлари депоси учун ниҳоятда қўл келди. Чунки, дурадгорлар меҳнати туфайли каттагина маблағ тежаб қолина бошланди.

Депода асосан вагонлар жорий ремонт ва комплекс жиҳозлашдан ўтиши туфайли кўпинча ром ва дераза ларни алмаштириш лозим бўлади. Илгари бу операцияларни амалга ошириш анчагина қийинчилик туғдирарди. Дурадгор ва ойна солувчилар вагонлар оралаб юриб, ремонт ишларини бажаришарди. Аввалambор ишчиларнинг кўп вақти бекорга сарфланса, иккинчи томондан мураккаб вазиятда бажарилган ишларнинг сифати кўнгилдагидек бўлмасди. Ойнаю-ромларни улкан пассажир составлари орасида у ёқдан бу ёққа кўтариб юришнинг ўзи бўлмайди. Ҳозирги шароитда эса ромлар ҳам цехда ясалади, ойналар ҳам шу ерда ўрнатилади. Бу дурадгорлар учун ҳам, буюртмалари тез фурсатда бажарилаётганлиги учун проводникларга ҳам ниҳоятда қулай.

— Цехимиз эндиликда вагон составларининг техник ҳолати билангина шуғулланиб қолмай, балки бошқа операцияларни ҳам амалга оширишни мўлжаллаяпти, — дейди Ҳабибулла Нурматов. — Аввалambор биз депонинг барча бўлим ва участкаларига ўз хизматимизни тавсия қиляпмиз. Эндиликда идорадаги ремонталаб хоналар учун четдан уста чақиришнинг, ёки катта суммага эшиклар сотиб олишнинг ҳожати йўқ. Биз ўзимиздаги қурилиш материалларидан идора учун эшик зарур бўлса, уни тайёрлаб берямиз. Яқинда бошқармадагилар депо ошхонасининг иккинчи қаватини кондитер цехи учун мослаштириб қуришни таклиф қилишди. Биз рози бўлдик.

Умуман, бугунги кунда фаолиятимизни активлаштиришдан бир томондан депо бошқармаси, иккинчи томондан ишчиларимиз моддий жиҳатдан манфаатдорлар. Иш ҳажми қанчалик кўп бўлса, қанча кўп буюртма бажарсак ишчиларимизнинг маоши шунча яхши бўлади.

Цехнинг январь ойидан иш бошлаганини ҳисобга олсак, вагонлар учун юзлаб ромларни тайёрлаганимиз ва қолаверса ремонт ишларининг сифатини таъминлаётганимиз ёмон натижа бўлмаса керак деб ҳисоблайман.

Ҳабибулла Нурматов ҳар соҳада коллективдагилар меҳнатига таянади. Бу ерда юқорида тилга олганимиздек қўли гул усталар тўпланишган. Бригадир, дурадгор Зоҳид ака Маҳмудовни олайлик. Бу кишининг бутун умри темир йўл ва қурилиш билан боғлиқ. Владимир Кострикинни дурадгорларнинг моҳири деб тан олишлари ҳам бежиз эмас, станоқчи-арраловчи Суннат Нажимхўжаев ўз ишини ниҳоятда чуқур ўзлаштирган. Улфат Исломов ҳам коллектив ишига муносиб ҳисса қўшяпти.

— Ишларимиз ёмон эмас, — деб давом этади цех бошлиғи. — Кўриб турибсиз, цехни ўз кучимиз билан барпо қилиб ишга туширдик. Лекин ҳали у замонавий техника билан жиҳозлангани йўқ. Коллективнинг самарали ишлаши учун замонавий, юксак унум билан ишловчи техникаларни сотиб олишимиз керак. Қолаверса ишчилар учун маиший шароитлар етарли эмас. Яқин келгусида ўз территориямизда душхона ва маданий ҳордиқ хоналарини ташкил этишимиз зарур. Шунда цех фаолияти анчагина жонланарди.

Бундан ташқари, ҳозир биз аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ишларини ҳам амалга ошираяпмиз. Албатта бу хизматдан ҳозир фақатгина ўз ишчиларимиз фойдаланишяпти, лекин келгусида хизмат турларини кенгайтириш ниятимиз ҳам бор.

Ҳа, Ҳабибулла Нурматов коллектив учун жон куйдиряпти. У етакчилик қилаётган коллективнинг яқин келгусида янада унумли ишларни амалга ошириши ва ўз-ўзини молиявий таъминлаш соҳасида ижобий натижаларни қўлга киритишига умид қилса бўлади.

В. МАДИМАРОВА.

ШАНБА ОҚШОМИДА — ШАНБА ОҚШОМИД

Ижодий ҳамдўстлик йўлларида

Оила салоҳияти

«Туҳфа» ансамблининг мусиқачилари ҳамда хонандалари 14 кишидан иборат. Уларнинг ҳаммаси ўзларининг жонажон Сумгаит шаҳридагина эмас, бутун Озарбайжонда яхши маълум бўлган Жалиловлар оиласининг аъзоларидир. Энди ана шу мусиқали оила санъати билан Ўзбекистон пойтахтининг ихлосмандлари ҳам танишдилар. «Октябрь революцияси номли завод клуби ҳамда темир йўлчилар маданият саройи саҳналарида ҳаваскор артистларнинг концертлари бўлди. Мусиқачиларнинг чиқишларида ранго-ранг гуллар гулдастаси каби Озарбайжон, Арманистон, Эрон, Афғонистон, Туркияда яшовчи турли халқларнинг куй ва оҳанглари уйғунлашиб кетган эди.

Тошкентдаги гастроллар «Союзтеатр» Бутуниттифоқ театр ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон ва Озарбайжон бўлимлари ижодий алоқаларнинг якунига айланди.

Мазкур коллективнинг таржимаи ҳоли эндигина турмуш қилган эр-хотин Жалиловлар оилавий фольклор ансамбли тузишга қарор қилган пайтда, бундан йигирма олти йил илгари бошланган эди. Сонанинг яхшигина овози бор эди, Асад эса тўртта мусиқа асбобида ўйнарди. Жалиловлар фарзандларининг мусиқа қобилияти эса уларнинг жуда ёшлигиданоқ намоён бўла бошлади. Уларнинг ҳаммаси мактабни тамомлагач, Сумгаитдаги музика билим юртининг халқ чолғу асбоблари оркестри синфига кириб ўқишди. Ёлчин Боку консерваториясининг вокал бўлимига кирди. Бу ерда у ўзининг бўлажак ҳайлиғи — халқ қўшиқларининг моҳир ижрочиси Манфура билан танишиб қолди. Жалиловларнинг жиянлари ҳам бирин-кетин вояга ета бошладилар. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида оилавий оркестрга келиб қўшилишар, турли халқ чолғу асбоблари — тор, камонча, ноғора, каноналарда ўйнашарди. Шундай қилиб оркестр бор овози билан янграй бошлади.

Оила аъзолари ўз ансамблига «Туҳфа» деб ном беришди. Бу номда Озарбайжон халқининг узоқ ўтмишидан совға сифатида олиб қолинган мусиқа мероси гавдаланган ҳамда унинг олдида таъзим бажо келтирилган эди. Бу номда ана шу совғани авлодларга етказиш ўз ифодасини топган эди. Жалиловлар мамлакатимизнинг турли гўшаларида — Москва, Туркманистон, Грузия, Доғистон, Арманистон ва Тожикистонда бўлдилар. Томошабинлар уларни ҳамма ерда самимий кутиб олдилар. Ансамбль қатнашчилари ўз қўшиқларини юрак ҳарорати, қўрини сарфлаб, шундай ижро этадиларки, уларнинг концертларига тобора кўплаб санъат мухлислари келишди.

— Халқ мусиқаси ва қўшиқларига муҳаббатимиз набираларимизга ҳам ўтишини хоҳлардик, — деди Асад Жалилов ЎзТАГ мухбирига. — Фольклор — ҳақиқий хазинадир. Унда авлодларимиз донишмандлиги ва меҳр-муҳаббати, уларнинг орзулари, интилишлари ва умидлари акс этган. Ҳозир ансамблимиз қатнашчиларининг бирортаси ўзини мусиқасиз тасаввур эта олмайди. Лекин бизни одатдаги концертлар қониқтирмай қўйди. Яқин орада ҳозирги вақтда деярли унутиб юборилган расм-русмлар, эртаклар ва афсоналардан ташкил топган театрлашган программа устида ишлай бошлаймиз.

«Айя София»нинг сирли колоннаси

ТУРКИЯНИНГ Истамбул шаҳридаги машҳур «Айя София» обидасида «сирли» колонна мавжуд бўлиб, ривоятларга қараганда фарзандсиз ёки бемор кишилар ундаги кичик тешикчага бармоқларини тиқиб, уч марта айлантиришлари ва бу пайтда яхши ниятларини кўнгилларига тукканларида бармоқлари намланиши керак экан. Акс ҳолда ният амалга ошмаслиги кутилади.

Колоннанинг «сири»ни билиш ниятида биз, шеригим — геология-минералогия фанлари кандидати Ҳабибулла Қосимов билан уни синчиклаб ўргандик. Маълум бўлишича, колонна оҳактошлардан ишланган бўлиб, унинг таркибида кальцийнинг хлорли тузи мавжуд экан. Бу тузда гигроскопик хусусият, яъни доимий равишда ўзига ҳаводаги намликни тортиб туриш хусусияти бор. Бармоқ намликни йиғиб олган тузга текканда, у ёғсимонроқ бўлиб намланган-дек сезилади — бу, оз миқдорда бўлса-да, ҳосил бўлган ишқорнинг таъсиридир. Аммо, кўп кишилар навбат кутиб, ҳадеб бармоқларини тиқаверганларида баъзиларининки намланмай ҳам қолиши мумкин. Бу уларни ташвишлантириб қўяди.

Шундай қилиб, бизга колоннанинг ҳеч қандай сири йўқлиги аён бўлди.

Фарзанд кўришга бўлган кучли ихлос ҳамда беморликдан қутулиш нияти кишиларни ишончга тўлдиради, бу ҳиссиётга таъсир этиб, ҳаётнинг қувончли сўқмоқлари томон чорлайди. Биз обидага яхши ният билан келаётган ёш келину куёвлар, бемору қариялар ва соддадил кишиларга яхши ниятлар билдириб қайтавердик.

Олтин сандиқдаги кийимлар

ИСТАМБУЛДАГИ «Тўп қопи» музейи дунёдаги энг бой маданият марказларидан ҳисобланади. Музейдаги олтин, кумуш, олмос, дуру-гавҳарлар кўпчилик туристларда қизиқиш туғдиради. Бу ерда Усмонийлар ҳукмронлик қилган даврларда ўзга мамлакатлардан босиб олиб келтирилган бойликлар ҳам намойиш қилинади. Мана шундай бойликларнинг бир қисмини алоҳида залларда кўриш мумкин. Муҳаммад пайғамбар ва унинг қизи Фотима бибининг кийимлари сақланаётган олтин ҳамда кумуш сандиқчалар қаторида унинг уруш пайтида синган тиши, қўлёзмаларидан нусхалар, муҳри, соқол-мўйловидан намуналар, олтин сопли қилич, Маккадаги машҳур тошга қўйилган ўн тўрт килограмм оғирликдаги олтин қоплама, халифалар буюмлари ва бошқа қатор шу каби нарсаларни катта олтин эвазига қайтиб бериш ҳақидаги Саудия Арабистони ҳукуматининг қатор талаблари жавобсиз қолдирилмоқда.

Жон бошига бир тупдан

ГРЕЦИЯДА зайтун дарахтини эъзозлаб, жуда авайлашади. Унинг тарихи кўпгина ривоят ва афсоналар билан ҳам боғлиқ. Доимо яшил бўлиб турувчи зайтун дарахти қиру адирларда, тоғ-тепаликларда ўсаверади. Бўйи 4—6 метр, баъзан ундан ҳам баландроқ бўлиб, барглари майда, оддий, қалин, қисқа бандли, гуллари икки жинсли, кумушранг-оқиш, шингил ёки рўваксимон бўлади. Меваси резавор, данакли, истеъмол қилинади. Меваси-нинг юмшоқ қисмида 60 фоизгача, уруғида 30 фоизгача мой бўлади. Унинг мойидан медицинада, озиқ-овқат саноатида, техникада эритувчи сифатида кенг қўлланилади. Ёғочидан қимматбаҳо буюм ва совғалар тайёрлашда фойдаланилади.

Греция зайтун мойини кўп мамлакатларга, жумладан Ватанимизга ҳам экспорт қилади. Шунинг учун ҳам бундай дарахтни кўпайтириш ва мой ишлаб чиқаришни йил сайин ошира бориш устида ғамхўрлик қилинади. Шу кунларда мамлакатдаги зайтун дарахти жон бошига биттадан тўғри келиб, ўн миллион донани ташкил қилади.

Афинанинг энг баланд жойидаги Акрополда 90 ёшли «Маъбуданинг бош дарахти» кўкариб турибди. Уни кунига минглаб туристлар томоша қилади. Бунинг боиси, қадим замонда шу дарахт ўрнида ўсган зайтун остида Афлотун ўз шогирдлари билан суҳбатлашиб ўтиришни ёқтирар экан. Зайтуннинг бунчалик эъзозланишига яна бир сабаб, уни оқилалик маъбудаси бўлган Афина яратиб, кўпайтирган эмиш.

Эпидавр амфитеатри

ЭПИДАВР шаҳридаги тепаликда эрамиздан аввалги учинчи асрда қуриб битказилган амфитеатр — стадион яхши сақланиб қолган. 17 минг томошабинни сиғдирадиган Грециядаги бу иншоот табиий тошлардан ясалган бўлиб, унинг ўзига хос «сири» бор. Пастдаги саҳнанинг исталган еридан туриб бирор сўз айтсангиз ёки қоғоз йиртсангиз, олтмиш-етмиш метр баландликдаги ўриндиқларда ҳам у овозни аниқ эшитишингиз мумкин.

Театр кошонасидаги бу сир кўп вақтларгача топилмади. Эндиликда акустиканинг бундай яхшилиги, ўриндиқлар тагига лойдан ишланган бўш идишлар кўмиб қўйилганлигида эканлиги аниқланди. Лой идишлар грекча «эхея» — аксадони билдирар экан. Русча «эхо» сўзи шундан келиб чиққанлиги аён бўлди. Машҳур Дионис амфитеатри ҳам шундай томоша жойи бўлиб, Большой театр артистлари концертини жуда кўп греклар томоша қилишган. Бундай амфитеатр-стадионлардан қирқ минг томошабинни сиғдиradиганлари ҳам бўлган, аммо ҳозиргача сақланиб қолмаган.

Юрган дарё

Икки давлат ажойиботлари

Ҳамшаҳримиз, химия фанлари доктори, СССР Журналистлар союзининг аъзоси Қудрат Аҳмеров яқинда Шарқ ва Европа мамлакатларида бўлганида азиз оқшомхонлар учун қизиқарли катта-кичик воқеа-эсдаликларни ёзиб олди. Қуйида ана шу таассуротларни ўқийсиз.

Карин канали

КАРИН КАНАЛИ дунёдаги машҳур иншоотлардан бири ҳисобланади. Унинг яқинига келар экансиз, кишини ваҳима босади. У сунъий равишда яратилган дара бўлиб, асрий чуқурликдаги олти ярим километр узунликдаги канал Адриатика денгизи билан Эгей денгизини сув йўли билан боғлайди. Баланд кўприкдан пастда ҳаракатланаётган улкан кемалар «кўғирчоққа» ўхшаб кўринишни, кўзингиз тинишни ёки бошингиз айланиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун бўлса керак, бу ерда грек полициячилари доимо сергак бўлиб турадилар, хавфсизлик техникаси, транспорт ҳаракати кучли равишда назорат қилиб турилади.

Қумтошлардан иборат бўлган тепалик шундай текис қирқиб тушилганки, бу инсон қўли билан яратилганига ақл бовар қилмайди. Ўн тўққизинчи аср охирларида қуриб битказилган ва ишга туширилган бу ажойиб ва мукаммал иншоот франциялик инженер Лесепса бошчилигида бунёд этилган. Лесепса Сувайш каналини қуришда ҳам раҳбарлик қилганлиги маълум.

Қ. АҲМЕРОВ,
профессор.

Сўраб ўрганг
доно бу

Уста Шир

Ҳурматли Шаҳримизнинг районидаги бири Уста Ши билан юритилад ким бўлган?

Дилфуза Ов

боғча тар

Санъатнинг ҳами ри қатори, ганчкор қадрланиб келинад шу ҳунарнинг лимдони Уста Ши родов) бутун умр корликка бағиш шуҳрат қозонди. ёшида ота-онасид қолган Уста Ширин — Уста Ҳаёт кўл корлик ҳунарини У 1938 йилларда Бутуниттифоқ қишлик кўргазмасининг кистон ва Туркмани вильонларини, 40-й Тошкент куранти, театри, «Шарқ» ко ноларини ганчкорлар лари билан безад архитектура ёдгор реставрация қилин нашди. Уста Ширин қанд, Тошкент ва санъат мактабларид лодга ҳунари бўйи берди. У Алишер номидаги Ўзбек Д демик Катта опера лет театрининг Бу ни безагани учун СС лат мукофотини ор нингдек Ленин ор нат Қизил Байрок ва бир неча медал зовор бўлган.

Т. АШРА

Чучу сув манба

Дунё бўйича давлат чучук с бой ҳисобланад дай сарфланади?

Ботирхон НИЗ

Оржоникидзе

«Коммунист»

аъзоси.

Сув бойликлари лиги жиҳатидан С нёда биринчи Ўр ди, лекин ҳар бир километр майдонг лан таъминлаш б Ватанимиз еттинч ҳисобланади. Бунг бор. Биринчидан, даги дарёларнинг фоизи шимолга о га қуйилади, мавжуд сув манба текис тақсимланга улардан фойдалани эмас. Шунингдек, учун бир кунда литр чучук сув и саноатда бир тонна шакар ишлаб чиқ 100 минг литр, ш минг, капрон — 6 литр, озуқабоп етиштиришга эса лўтр сув керак б на шу каби аҳ қишлоқ хўжалиги ривожланишини ҳ ганда мамлакатим чук сув энг муҳи қилиши лозим сала эканлиги аён

Т. АШРА

Ўртада сарсон маҳалла

Шанба фельетони

Дунёнинг ишлари қизиқ-да, уйинг бўлса-ю, ўзингники бўлмаса. Бундан ёмони йўқ. «Уз уйим — ўлан тўшагим» деб шунга айтсалар керак. Лекин мана қирқ йилдирки, «Брак—50» кўчасидаги олтмиш хонадон ўз уйига сиғмайди. Уз уйида ижарага турғандек яшайди. «Бу ерлар бузилади» деб ҳовлининг қоқ ўртасига қоқилган темир қозиқлар қирқ йилдан бери «кўкаргани» йўқ. Ороми йўқ одамларнинг «Ердан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар» деганларидек, ота-боболари яшаб ўтган жойдан кетгилари йўқ. Чунки «Иш кучини елга берма, ерга бер, жамғармани селга берма, элга бер» деб, улар бу ерларни боғ-роғларга айлантиришди, туппа-тузук уй-жойлар қуришди, обод қилишди. Энди оғзи ошга етганда, бу ерда истиқомат қилаётган 400 кишининг қўлтиғидан тарвузи тушиб, вассага касалига мубтало бўлиб ўтирибди. «Ҳа, нима дейсан, уйларимиз бузилармиш, ўрнига «дом» қурилармиш...».

Буни эшитиб Эшмат ота тутоқиб кетди:

— Ҳов бола, чангал ҳам жойида гуриллайди,— дея архитекторнинг ёқасидан тутди. —Ҳеч ўйлаб иш қиласанларми? Газет-пазет ўқийсанларми? Шаҳар ижроқўмининг қарорини биласанларми? Қани, ҳой, Боқивой бола, ўша қарор чиққан газетни олиб кел-чи, бир манави мулла акангнинг саводини чиқариб қўяйлик...

Эшмат отанинг дўмбоққина невараси ҳам шай турган эканми, чуқур отдек етиб келди.

— Мана, бува...

— Қани, ўқи-чи.

Боқивой газетани шариллатиб ўқиб кетди:

— Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг «Тошкент шаҳрида якка тартибда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш тўғрисида» ва «Якка тартибда қурилиш олиб борилаётган массивларда ўзбошимчалик билан бунёд этилган уй-жойлар, хўжалик ва маиший иморатлар ҳамда иншоотларни хусусий мулк сифатида рўйхатга олиш ҳақида»ги қароридан: архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси зиммасига 1988 йил 1 июнга қадар якка тартибдаги қурилиш массивларида жойлашган, хусусий мулк сифатида рўйхатга олиниши лозим бўлган уйларни аниқлаш ва ижроия комитетга тақдим этиш вазифаси топширилди...

— Тўхта болам, қани сизлар шу ишни қилдиларингми? Йўқ. Ахир партия ва ҳукуматимиз 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида уй-жой, квартира билан таъминлаш учун курашаётган бўлса-ю, сенлар тайёр уйларни, одамлар яшаб турган уйларни бузмоқчи бўлсаларинг. Бу қанақаси, шу ҳам инсофданми? Ёки Октябрь ижроқўмининг ортиқча уйлари кўпайиб кетибдими? Агар «дом» қурмоқчи бўлсаларинг, ана, шаҳарда озмунча ташландиқ жойлар, нокерак омборлар тўлиб-тошиб ётибди. Ўша ерга қурларинг. Лекин бизнинг уйларни қонунлаштириб, планлаштириб берларинг...

— Амаки, бувам тўғри айтяптилар. Тунов куни газетада ўқувдим. Ахир шаҳарда уй-жой олиш учун 60 мингдан ортиқ оила навбатда турган экан. Биз давлатдан уй сўрамаяпмиз. Ўзимиз қурган уйларни қонунлаштириб беришларингни илтимос қиляпмиз, холос.

Архитектор «Сен жим тур, зумраша» дегандек, унга кўз ойнаги ортидан бир ўқрайиб қўйди.

Боқивой ҳам анойи эмас экан. Ёв қарашдан жаҳли чиқиб, меъмор амакини яна чақиб олди:

— Сизларнинг қилаётган ишларингиз «Ҳайронман Шониёзнинг ишига, этик сотиб, пайтава олишига» деганга ўхшаб кетяпти. Манави хатларни ўқинг, аризаларимизни турли идоралар «футбол» қилишган. Жавоблари мантиққа тўғри келмайди. Мана кўринг.

Боқивой энсаси қотиб турган архитекторнинг олдига бир дастя расмий хатларни ташлади.

Вакил улардан бирини истар-истамас кўтарди. Бурни устига тушиб турган кўзойнагини чап қўли билан кўтариб, ўнг қўлидаги хатни пичирлаб ўқий бошлади.

— Овозингизни баландлатиб ўқийверинг, ўғлим, биздан бошқа эшитадиган ҳеч кимса йўқ.

Меъмор бир томоқ қириб олгач, ўқий кетди:

«Октябрь» район, «Авангард» маҳалла, «Брак—50» кўчаси аҳолисига. Тошкент шаҳар архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси шуни маълум қиладики, кўрсатилган райондаги қурилиш Тошкент шаҳрининг тасдиқланган Бош планига асосан амалга оширилади, у реконструкция зонасига киради. Янги қурилиш ҳақида бошқа қарор қабул қилинмаган».

Меъмор пешона терини рўмолчаси билан артгач, Эшмат отага «ундингми» дегандек бир қараб қўйди-да, иккинчи хатга қўл чўзди.

— Ўқинг, ўқинг, — деди Эшмат ота ютиниб,— зора дардимизга малҳам топилса.

«...кўрсатилган адресда 50 дан ортиқ уй бўлиб, тегишли органларнинг рухсатисиз қурилган, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 04.03.88 йил 142/6-номерли қарорига биноан «Брак—50» кўчасида жойлашган 1-уйдан тортиб 50-уй бузилиши керак бўлган зонада жойлашган. Чунки, бу ер автомобиль транспорти министрлиги учун уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриш учун ажратилган.

Уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш ҳамда шахсий уйларни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Я. Михайленко. Имзо. 06. 05. 1988 йил.

— Автомобиль транспорти министрлигига бошқа жой қуриб қолибдими, — тўнғиллади Эшмат ота. — Тайёр, туппа-тузук уйларимизни бузишса-я!.. Ундан кўра Эски шаҳардаги тўкилиб кетай деб турган жойларни буз...

Архитектор ҳам отанинг пичингидан кейин бир нарса демоқчи бўлди-ю, аммо фикридан қайтиб учинчи хатни ўқий бошлади.

«Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Авангард» маҳалласи аҳолисининг шикоятини кўриб чиқди. Ҳақиқатан ҳам ижроқўмининг 4.03.88 йил 142/6-номерли қарори билан уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриш учун ер ажратилган эди.

Аҳолининг «Яроқли уй-жойларни сақлаб қолиш тўғрисида»ги шикоятини ҳисобга олиб ва СССР Госстройининг 17.03.88 йил ЕР—896-номерли «Уй-жойларнинг асосли бузилишини назорат қилишни кучайтириш тўғрисида»ги хатига асосланиб, ижроқўм илгари қабул қилган қарорини бекор қилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси ўринбосари Р. Ҳ. Ҳикматуллоев».

— Ие, қизиқ-ку, — бехтиёр ажабланди архитектор. — Демак, уйларни бузиш тўхтатилиши керак экан-да.

— Биз ҳам ҳайронмиз, — деди Боқивой бўш келмай. — Энди бунисини ҳам ўқиб кўринг.

Вакил яна хатга кўз югуртирди.

«Қўшимча қурилиш тўғрисидаги аризангизни кўриб чиқдик. «Брак—50» кўчасида жойлашган уйлар бузилиш зонасида жойлашганлиги сабабли айни пайтда сизларнинг илтимосингни қондиришнинг иложи йўқ.

Октябрь район уй-жой ишлаб чиқариш қармаси бошлиғи И. Исломов».

Орага сукут тушди. Архитектор нима дейишини ҳайрон эди. Жимликни яна Боқивой тутди бузди:

— «Тошкент оқшоми» газетасининг «Мунда» иловасида (1988 йил 10-сонида) шаҳар жойларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва уйлар назорати бошқармаси бошлигининг босари А. Х. Юнусов газета мухбирига интервью берган экан: «Шаҳар Совети комитети кўпсонли граждан ларнинг талаб ва илтимосларини ҳисобга олиб, ана шу ўзбошлик билан қурилган уйларни уларнинг эгаларини рўйхатдан ўтказиб бериш тўғрисида шу йилнинг апрелида махсус қарор қабул қилди. Шаҳар муриятининг бу қарорини меҳнат аҳли зўр нуният билан қабул қилди».

Изоҳга ҳожат йўқ. Юқоридагилардан маълумки, «Брак—50» ҳам бундан мустасно эмас. шундай экан Октябрь район уй-жой ишлаб чиқариш бошқармаси (бошлиғи И. Исломов) шаҳар ижроқўмининг бу қарорини бажариб, «Брак—50» қачонгача брак бўлади? «Етти ўлчаб бир кес»маган шаҳар архитектура-планлаш Бош бошқармаси (бошлиғи Б. М. Усмонов) чонгача аҳолини сарсон қилади? Афтидан, брь район Совети ижроия комитети (раиси Усмонова) «Ёғоч кессанг, узун кес, кесилур, темир кессанг, қисқа кес, чўзса бўлур» юрганга ўхшайди. Бироқ аҳолининг ҳақли бини, ижроқўм қарорини, қонун-қоидани бўлармикан?

Тўхтамурод ТОШ

ШАНБА ОҚШОМИДА — ШАНБА ОҚШОМИДА



Кеча сенинг именинанг бугун туғилган кунинг. Шени ва ўзимни табриклайман, менинг фаришта. Кесенинг соғлиғингга Киреижийникида Шевирев ва оболевский билан ичдим, гун Суденокникида ичаман. тадан кейин йўлга чиқаман — коляекам бундан авроқ тайёр бўлмайди. Кеча тун оққанда келиб, стонида Булгаковнинг устида Маргариталарнинг отаси мени точкасига кўзим тушди, ўзимга чақирибди. Зиёфатга тобоп тоза кўйлагим йўқ- ва мўйлабим қиртишланганлиги учун — уни бўйи ўз ҳолига қўйдим мен бормадим. Кўраяпман Москвага келиш мумкин, кўнгил очиш мумкин Сирасини айтганда зерикарли, Москва қашшоқ... -бўш, Москва ғишларича у мислсиз ғўзалга уйланган эмиш. батафсил таърифлаб, уни кўрганим йўқ. Саодаев семириб, беролмайман. Чаадаев ҳам шу йўқ. Николай Раевский ҳам шу У ҳам, унинг укаси ҳам — қандайдир Раний деган бригадир ўлиб- Вяземскийга айтиб қўй: унинг адаши Пётр Долгорукий вафот этибди. Қандайдир меросга эга бўлибди, ҳатто инглиз клубига келтиролмабди, бу ердагилар шунга жуда ачинишяпти. Мен клубда бўлганим йўқ. Ё ҳайдалганман, ёки бича китоб дўконларида сандирақлаб юрдим, лекин ҳеч нарса топа олмадим. Йўлда ўқийман, деб олган китобларим уриниб, ғижимланиб кетибди. Бундан ниҳоятда дарғазаб бўлдим. Машкага маслаҳатим шуки, инжиқлик қилмасин, энагаси билан жанжаллашмасин, дўппослайман. Сени ўпиб қоламан. Холангга таъзим қиламан, Машка ва Сашкага худо ёр бўлсин.

27 август, 1833 йил. Москвадан Петербургга юборилган.

Менинг фариштам, салом, мен бешинчидан бери Қозондаман ва шунча кун ичида сенга бир оғиз сўз ёзишга вақт тополмадим. Ҳозир Симбирскка кетаяпман, ўша ерда сендан хат олиш умидим бор. Бу ерда қаҳрамонимнинг замондошлари кексалар билан валақлашдим; шаҳар атрофини кезиб чиқдим. Жанг бўлган жойларни кўрдим. Одамлардан сўрадим, ёзиб олдим ва жуда кўнглим тўлди: бу ерларга бекорга келмабман. Об-ҳаво жуда ажойиб, кўз тегмаса бўлди. Ёмғир ёққунча кўришим керак бўлган жойларни айланиб, сентябрнинг охирида қишлоққа қайтсам дейман. Соғмисан? Барча саломатми? Йўлда мен мушукчага ўхшаб эмаклаб юрган бир яшар қизчани кўрдим. Иккита тиши бор экан. Машкага айтиб қўй. Баратинский шу ерда. Мана у хонамга кириб келаяпти. Симбирскача хайр, Қозон ҳақида сенга бафуржа айтиб бераман, ҳозир ўрни эмас. Ўпиб қоламан.

8 сентябрь, 1833 йил. Қозондан Петербургга юборилган.

Мен тезда йўлга чиқаман. Лекин Москвада иш билан бир оз муддат бўламан. Хотин, хотинжон! Мен катта йўлда юраман, гунг саҳро қўйнида уч ойлаб яшайман, ўзим ёқтирмайдиган Москвада тўхтайман. Биласанми, нима учун? Сен учун жонгинам! Сенинг тинч бўлишинг ва соғ бўлиб юришинг учун. Сенинг ёшинг ва гўзаллигинг шуни тақозо қилади. Мени ҳам эҳтиёт қилгин. Эркакларнинг ҳаётидаги ажралмас тўполонларига сен оилавий ташвишларни, рашк ва ҳоказо-ҳоказоларни қўшма...

6 ноябрь, 1833 йил. Болдинодан Петербургга юборилган.

Пушкинхонлик кунлари давом этмоқда

«Менинг фариштам...»

Ҳар бир даҳо адибнинг ўз дарди, ўз шодлиги, ўз дунёқараши бўлади. Бу изоҳ талаб этмайдиган ҳол. Айниқса, улар қариндош-уруғ, ёру дўстларга ёзилган мактубларда мужассамлашади.

Александр Сергеевич Пушкиннинг рафиқаси Наталья Николаевна Гончарова — Пушкинага ёзган мактублари шу жиҳатдан қараганда жуда қимматлидир. Мактублар Пушкиннинг ички кечинмаларини кўрсатувчи кўзгу ҳамдир. Улар Пушкин «Капитан қизи» повести учун материаллар тўплаб, Россия бўйлаб саёҳатда юрганида ёзилган.

Қуйида буюк адибнинг айрим мактубларини диққатингизга ҳавола этамиз. Улар «Жизнь Пушкина» («Пушкиннинг ҳаёти») китобидан таржима қилинди.

Юртимиз неъматлари

Қизиллиги лаълдек, лаззати эса болдек

Ҳурматли редакция! Қулупнай ва тутнинг хосиятлари ҳақида мақола беришингизни илтимос қиламиз.

З. ПАРПИЕВ, М. КОМИЛОВ, ишчилар.

